

## РАҚАМЛИ ЖАМИЯТДА ИНТЕРНЕТНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИГА ТАЪСИРИ

Бурханов Х.М. -

ЎзМУ мустақил изланувчиси,  
социология фанлари бўйича фан доктори (DSc).

Бугунги кунда коммуникатив ахборот тизими муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҷамоатчилик вакилларининг кибер интернет тармоғидаги расмий сайтларда жойлаштирилган маълумотлардан ўз фаолиятида самарали фойдаланиши натижасида инсон ўзининг ижтимоий фаолияти, маънавий, шахсий талабларини қондириши учун чегараланмаган имконият, аудиторияга эга бўлди. Ушбу мавзу тадқиқ қилинишининг долзарблиги, амалий аҳамияти муайян суръатда ҷамият илмий технологик ривожига жараёнини илмий, социологик тадқиқ қилиш, иккинчи томондан, ушбу жараён заминида вужудга келган ғносеологик бўшлиқни тўлдириш зарурияти билан белгиланади. Таъкидлаш лозимки, янги тараққиёт босқичи даврида глобал компьютер тармоғининг жадал ривожланиши, унинг аудиторияси тобора кенгайиш жараёни кузатилмоқда. Бундай жадал ўсиш натижасида глобал интернет инсон фаолиятида универсал ижтимоий коммуникация ролини бажармоқда [1].

Рақамли ҷамиятда интернетнинг ҷамоатчилик фикрига таъсири масаласи бўйича Москва давлат университети, Социология факультети, Замоновий социология кафедраси доценти, социология фанлари номзоди Д.Добринская томонидан кенг ўрганилган ва у рақамли ҷамият ҷамоатчилик фикрига таъсири ортиб боришини турли фактлар билан исботлаган. [2]

Шунингдек, интернетни ривожланиб бориши рақамли ҷамиятни янада ривожлантиришини илмий жиҳатдан асослаган М.Кастельс ўзига хос хулосалар берган [3].

Бундан ташқари, И.А.Шевченко рақамли ҷамиятни салбий жиҳатларини интернетда турли бузғунчи сиёсий ғояларни ривожланиб бориши билан изоҳлайди. [4]

Ўзбекистонлик олимлар томонидан олиб борилган ишларда рақамли ҷамиятни ривожланиб бориши ҷамоавий хавфсизликни таъминлашда бир қатор муаммоларни келтириб чиқараётганлиги ва бу масалаларини ҳал қилиш учун ўз интернет миллий сегментимизни ривожлантириш зарурлиги асосланган. [5]

Ҷамиятда инсон ресурсининг парадигмал ўзгаришлар қонуниятини трансформацияси сўнги йилларда “рақамлаштириш” рақамли тушунчасини турли хил ахборот-коммуникация технологиялари билан боғлиқ сўзини этимологик жиҳатдан таҳлили:

**биринчидан**, инсоннинг ижтимоий борлиқни, ахборот компьютер тизимидаги имкониятларнинг кенгайиши, социал воқелиқни ижодий ўзгартириш ва “ўзлаштириши” учун зарур интеллектуал базани, инновацион технологияни яратиши – **методологик асосга**;

**иккинчидан**, ҷамият тараққиётида глобал компьютер тармоғининг жадал ривожланиши, социал омиллар ролининг устуворлашиш қонунига мувофиқ, рақамли ҷамият интеграцияси ва дифференциацияси – **интеллектуал асосга**;

**учинчидан**, рақамли ҷамият механизмларини такомиллаштириш ҳамда ривожланиш тенденциясини, социал-иқтисодий муносабатлари тизимини инновацион мазмундаги ўзгаришларини оптимал ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишга мутасадди ташкилий институтлар фаолияти – **институционал асосга**;

**тўртинчидан**, ахборот хавфсизлигининг коммуникатив технологиялар тараққиёти, оммавий коммуникацияларнинг аудиторияга таъсирини динамик тенденцияси ва йўналишларини аниқлашнинг илмий башорат тамойилларини такомиллаштирувчи фаолият – **футурологик асосга эга** [6].

Рақамли ҷамиятнинг трансформационлашуви ва интеграциялашуви, парадигмал хусусиятларини объектив ва субъектив шарт шароитлари институционал ва социал тизимлар фаолиятига таъсири кузатилмоқда. Ахборот коммуникациялари, инновацион компьютер технологияларининг жадал ривожланиши фуқаролик ҷамияти тараққиётида сифат даражаси

ошишига олиб келди. Бундай воқелик таракқиётдаги янги босқич глобаллашув ва рақамли жамият шаклланиши муносабати билан вужудга келадиган ижтимоий, иқтисодий йўналишдаги муаммолар моҳияти ва мазмунини англаш заруриятини вужудга келтирди.

Катта маълумотларга эга технологиялардан фойдаланиш, онлайн ва офлайн маконни гибридлиниши, рақамли коммуникацияни оммаланиши рақамли тузилишдаги дунёни пайдо бўлишига олиб келди [7].

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатлари чуқурлашуви шароитида илмий техник таракқиёт бевосита глобал компьютер тизими, глобал интернет тармоғидаги миллий сегмент сайтлари жадал ривожига жараёнига боғлиқ. Шунингдек, ушбу жараён, ўз навбатида, ижтимоий тизимдаги, унинг турли соҳаларидаги чуқур ислохотлар, инновацион мазмундаги ўзгаришлар моҳиятини, амалиётдаги ўрнини англатади. Фуқаролик жамияти ривожининг ҳозирги даври коммуникация соҳасида муҳим инқилобий ўзгаришларни ўз бошидан кечирмоқда, инсон фаолиятида кибер интернетнинг ахборот воситаси сифатидаги ижтимоий аҳамияти ошиб бормоқда, ушбу жараёнда интернет олами коммуникацияси компьютерлаштириши асосий, етакчи ўринни эгаллайди. Жаҳон интернет тармоғининг бошқа оммавий ахборот воситаларидан муҳим фарқи, унинг саҳифаларида фақат профессионал журналистлардан ташқари, бошқа соҳа вакиллари, профессионал хисобланмаган коммуникаторлар, махсус маълумотга эга бўлмаган шахслар ҳам иштирок этади. Касби журналист бўлмаган шахслар блогер номи остида интернет тармоғидаги расмий ва норасмий сайтлардаги иштироки билан жамоатчилик вакиллари фикрини билдиради, катта ҳажмдаги интернет аудиториядаги ижтимоий фикр шаклланишига муайян даражада таъсир ўтказиши, бу жараён инсонлар орасидаги фикр алмашув натижасида интернет тармоғидаги норасмий сайтларда ахлоқий чегарадан чиқиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Шу билан биргаликда, жаҳон интернет тармоғи каналларидаги ахборот ҳажми ошиб кетганлиги, кўпайганлиги натижасида ушбу ахборотларнинг сифати пасайди. Бизнинг фикримизча, бунинг асосий сабаби, норасмий сайтлардаги интернет мақолалари муаллифлари томонидан асосланмаган, чуқур таҳлил қилинмаган маълумотларни тайёрлаш билан чегараланиб, фақат ахборотни жаҳон интернет тармоғига узатишга бўлган шахсий иштиёқнинг мавжудлиги билан белгиланади. Демак, бундай воқелик жиддий ва мураккаб ижтимоий муаммо мавжудлигидан далолат беради. Ушбу жараён глобал тармоқнинг инновацион коммуникатив потенциали билан, яъни интернет аудиториянинг фаол қисми томонидан билдирилган фикрлар, иккинчи томондан, интернет тармоғини ижтимоий бошқарув мониторинги амалиёти механизмларидаги камчиликларда намоён бўлади.

Янги социал алоқалар ва муносабатларда, янги социал амалиётда рақамли технологиялар кучайиб бораркан, бундай ҳолатда “Рақамлашув” шаклланиши “социал факт” [8].

Жамият аъзолари орасида интернет тармоғи миллий сегментидан фойдаланиш даражаси, олинган ахборотларнинг инсон фаолиятидаги зарурияти ва унинг фаолияти, маънавий дунёси, миллий ғоя мақсадлари шаклланишидаги фойдалилик даражасига оид ахборотлар хавфсизлигини таъминлашнинг инновацион усуллари ҳаётга татбиқ қилиш, ёш авлодни тарбиялаш, кадрлар тайёрлаш жараёнида самарали фойдаланишнинг инновацион методикаси мазмунини такомиллаштиришга доир эмпирик тадқиқотларни мунтазам ўтказиб туриш лозим. Социологик сўровларнинг муҳим хусусияти ундан олинган натижалар асосида мустақил хулосалар, жамоатчилик фикри ҳисобга олинган ҳолда, жамият ривожланишининг стратегик йўналишларини, ижтимоий муаммолар ечимини, инновацион, рационал асосда аниқлашга хизмат қиладиган тавсиялар вужудга келиши мумкин. Бугунги кунда бу тавсиялар социал дунёда асқотиши мумкин. Социал дунё, маълумотни автоматик қайта ишлаш ва бошқа техник инфраструктуралар, медиалашувини чуқур шакилланиши, алгоритм иши орқали яратилмоқда [9].

Шунингдек, эмпирик кузатишлар натижасида интернет тармоғидаги расмий ва норасмий сайтлардаги мавжуд ахборотларнинг реаллиги, ҳаққонийлиги, объективлиги, ижтимоий муаммолар ечимидagi ўрнига мустақил баҳо бериш имконияти яратилади.

Глобал интернет тармоғи миллий сегментида расмий ва норасмий интернет коммуникацияларининг жамоатчилик фикрига таъсири жараёни глобаллашув ва ахборотлашувнинг, электрон муҳит шаклланишига таъсири ушбу жараёнда глобал ахборот тизимида бевосита боғлиқ. Ушбу электрон ахборот тизими ҳозирги жамиятдаги ижтимоий жараёнларга ўз таъсирини ўтказди. Бугунги кунда инсон онгида шаклланаётган фикрлар ва тушунчалар ахборот оқимида боғлиқ бўлиб, тармоқлар орқали узатилаётган ахборотлар, коммуникация тармоқлари ҳокимят ва унинг эгаларига тегишли.

Янги тараққиёт босқичида мамлакатда миллий сайтларга ташрифлар сони ортиб бормоқда, лекин, норасмий тармоқларда инсон шахсига, фаолиятига доир конфеденциал характерга, мазмунга эга бўлган ахборотларнинг ёритилиши, текширилмаган, баъзан мутлақо ёлғон, вазиятни издан чиқаришга мўлжалланган маълумотларнинг тарқатилиши натижасида ахборотлар мазмунининг сифацизланиши омманинг барқарор ижтимоий ҳаётига хавф солади.

Ҳозирги кунда ахборот компьютер тизимидаги имкониятларнинг кенгайиши, турли мазмундаги веб-сайтларнинг кўпайиши, интернет тармоқларида ахборот экстремизми муаммоси долзарблигини оширди. Таъкидлаш лозимки, интернет тармоғидаги норасмий саҳифаларда ахборот экстремизми мавзуси уч йўналишда олиб борилади:

биринчидан, Ўзбекистон қонунчилигида белгиланган, ўз мазмунига, мақсади ва йўналишларига кўра, экстремистик фаолият олиб бориш белгилари мавжуд бўлган ахборотлар мажмуасини тузиш, уларни сақлаш;

иккинчидан, ахборотларни компьютер тармоғи орқали инсонга руҳий, жисмоний таъсир ўтказиш, кибертеррористик мақсадда ишлатиш, ундан фойдаланиш;

учинчидан, инсон руҳиятига деструктив таъсир ўтказадиган маълумотлар, улар мазмунини англамайдиган ахборотлардан Интернет тармоғидаги мақолаларда фойдаланиш.

Қолаверса, Ўзбекистон жамияти янги ривожланиш босқичида глобал компьютер тармоғида радикал, экстремистик ташкилотлар томонидан жойлаштирилган ахборотларнинг ижтимоий ҳаётдаги салбий таъсирини сезган ва унинг оқибатларини англаган. Жумладан, интернет тармоғида норасмий сайтларда тарқатилган хабарларда оммада демократик ислохотларнинг натижаларига ишончсизлик ҳосил қилишга уринишлар, жамиятдаги реал муҳитнинг салбий жиҳатларига урғу беришга интилиш, жамиятда ўтиш даврида содир бўлган ижтимоий қийинчиликларга бардош бермаслик хусусиятини шакллантиришга ҳаракат қилинди. Интернетда, хусусан, норасмий сайтлар томонидан тарқатилаётган салбий ахборотларга, коммуникатив таъсирдаги тажовузкорликни омма онгига сингдиришга қаратилган ҳаракатлар мавжуд. Ўзбекистонда ҳозирги даврда ахборот хавфсизлигини таъминлаш долзарб муаммо бўлиб, амалий аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам қуйидаги хулоса ва таклифлар илгари сурилмоқда:

биринчидан, ахборот тизими соҳаси ҳозирги жамият учун ижтимоий, иқтисодий муаммоларни ечишда, мамлакат мудофаасининг миллий хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайдиган механизмларни такомиллаштиришда ижтимоий омил вазифасини бажаради, унинг тарқалишига, омма вакиллари, бошқарув ходимлари, тадбиркорлар ва ёшлар томонидан илмий асосда, тизимли ёндашув талаб қилинади;

иккинчидан, глобал интернет тармоғидаги норасмий сайтларда Ўзбекистон хавфсизлигига салбий таъсир ўтказишга ҳаракат қилувчи, ахборот уруши тарафдорлари фаоллашди. Ахборот босимининг ошиб бориши глобал компьютер тармоғининг ривожланиши, норасмий сайтлардаги ахборот ҳажмининг ошиб кетганлиги натижасида, уларнинг инсон фаолияти, тафаккурига таъсири кучайди. Шунинг учун ҳозирги шароитда интернет тармоғидаги, айниқса, норасмий сайтлар фаолияти назоратини кучайтириш, ахборотлар оқимини бошқаришнинг такомиллашган усулларида фойдаланиш зарур;

учинчидан, ҳозирги даврда, яъни бозор иқтисодиёти муносабатлари, глобаллашув, ахборотлашган жамият тобора чуқурлашаётган шароитда жаҳон ҳамжамияти аъзолари, глобал интернет тармоғини ижтимоий назорат қилишнинг ягона механизмини, шакл ва воситаларини шакллантира олмади. Ҳаракатдаги халқаро ташкилотлар, улар орасида мавжуд

бўлган ғоявий ва иқтисодий мазмундаги келишмовчиликлар натижасида ушбу муаммони яқдиллик билан ҳал қила олмадилар. Ушбу муаммо, айниқса, ижтимоий коммуникатив трансформацион жараёнларни ўз бошидан кечираётган мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ахборотлашув тизимида муайян қийинчиликларни туғдирди. Шунинг учун ҳам норасмий сайтлар фаолиятини назорат қилиш ва миллий сегментда миллий манфаатларга муносиб ахборотларни жойлаштириш механизмини кучайтириш лозим.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Зборовский Г.Е., Шуклина Е.А. Образование как ресурс информационного общества// Социол. исслед. 2005. № 7. -Б 107-108.
2. Д. Добринская. Что такое цифровое общество? <https://cyberleninka.ru/article/n/chto-takoe-tsifrovoye-obschestvo>. 2021.
3. Кастельс М. Галактика Интернет: Размышления об Интернете, бизнесе и обществе. – Екатеринбург: Академия. 2004.
4. Шевченко И.А. Политические интернет-технологии в трансформирующемся обществе: автореф. дис. .канд. полит. наук. Ставрополь, 2005.
5. Бекмуродов М. Замонавий бошқарув социологияси. Монография. – Тошкент: «Ёшлар». 2020. – Б. 9.
6. Вершинина И.А., Лядова А.В. Данные в цифровом мире: Новые возможности или дополнительные риски? // Вестник РУДН. Сер.: Социология. 2020. Т. 20. № 4. С. 977–984. DOI: 10.22363/2313-2272-2020-20-4-977-984.
7. Beck U. The Metamorphosis of the World: How Climate Change is Transforming Our Concept of the World. Cambridge, Malden: Polity, 2016. 240 p.Зборовский Г.Е., Шуклина Е.А. Образование как ресурс информационного общества // Социол. исслед. 2005. № 7. Б. 118-119.
8. Marres, N. (2017). Digital Sociology: The Reinvention of Social Research. Cambridge: Polity Press. 2017, p. 41
9. Hepp A. Deep Mediatization. Routledge, 2019. 248 p.

#### РЕЗЮМЕ:

Ушбу мақолада рақамли жамиятда расмий ва норасмий интернет коммуникацияларининг жамоатчилик фикрига таъсири ўрганилган.

**Калит сўзлар:** ахборот хавфсизлиги, жамоатчилик фикри, деструктив ахборот, кибер интернет.

#### РЕЗЮМЕ:

В данной статье рассмотрены вопросы формальных и неформальных интернет-коммуникаций в современном цифровом обществе, и их влияние на общественное мнение.

**Ключевые слова:** информационная безопасность, общественное мнение, деструктивная информация, кибер интернет.

#### RESUME:

This article examines the issues of formal and informal Internet communications in a modern digital society, and their impact on public opinion.

**Key words:** information security, public opinion, destructive information, cyber internet.